



IMPLEMENTATION OF PATIENT SAFETY AND QUALITY CONTROL UNITS IN COMPLIANCE WITH INTERNATIONAL ACCREDITATION STANDARDS: A CASE STUDY OF THE NATIONAL CHILDREN'S MEDICAL CENTER

Atajanova Yu.Yu.¹

Umarov B.Ya.²

Salakhitdinov Sh.N.³

¹ National Children's Medical Center, Specialist of the Patient Safety and Quality Control Department, Senior (Highest Category) Nurse

² National Children's Medical Center, Director, Doctor of Medical Sciences (DSc), PhD

³ National Children's Medical Center, Deputy Director for Clinical Affairs; Deputy Chairman of the Association of Interventional Cardiologists of the Republic of Uzbekistan; Consultant on Interventional Cardiology to the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan; Candidate of Medical Sciences, Associate Professor, PhD
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17994338>

ARTICLE INFO

Received: 15th December 2025

Accepted: 19th December 2025

Online: 20th December 2025

KEYWORDS

International accreditation, patient safety, accreditation standards, monitoring in healthcare institutions, patient safety policy, quality medical care, clinical safety.

ABSTRACT

This article presents the experience of organizing specialized departments that ensure patient safety and the quality of medical care in accordance with international accreditation requirements, using the National Children's Medical Center as an example. According to the presented data, the system implemented at the center based on the international standards of JCI (Joint Commission International) plays a significant role in improving the quality of medical services, ensuring patient safety, and enhancing the effectiveness of clinical governance. The article analyzes the stages of establishing these departments, their functional responsibilities, and practical outcomes, and also provides recommendations for other healthcare institutions.

ОПЫТ ОРГАНИЗАЦИИ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ПО БЕЗОПАСНОСТИ ПАЦИЕНТОВ И КОНТРОЛЮ КАЧЕСТВА В СООТВЕТСТВИИ С ТРЕБОВАНИЯМИ МЕЖДУНАРОДНОЙ АККРЕДИТАЦИИ (НА ПРИМЕРЕ НАЦИОНАЛЬНОГО ДЕТСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ЦЕНТРА)

Атажанова Ю.Ю.¹

Умаров Б.Я.²

Салахитдинов Ш.Н.³

¹ Национальный Детский Медицинский Центр, специалист отдела «Безопасность пациентов и контроль качества», медицинская сестра высшей категории

² Национальный Детский Медицинский Центр, директор, доктор медицинских наук



наук (DSc), PhD

³ Национальный Детский Медицинский Центр, заместитель директора по лечебной работе; заместитель председателя Ассоциации интервенционных кардиологов Республики Узбекистан; консультант Министерства Здравоохранения Республики Узбекистан по интервенционной кардиологии; кандидат медицинских наук, доцент, PhD.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17994338>

ARTICLE INFO

Received: 15th December 2025
Accepted: 19th December 2025
Online: 20th December 2025

KEYWORDS

Международная
аккредитация, безопасность
пациентов,
аккредитационные
стандарты, мониторинг в
учреждениях
здравоохранения, политика
безопасности пациентов,
качественное оказание
медицинской помощи,
клиническая безопасность.

ABSTRACT

В данной статье на примере Национального детского медицинского центра освещается опыт организации специализированных подразделений, обеспечивающих контроль безопасности пациентов и качества медицинской помощи в соответствии с требованиями международной аккредитации. Согласно представленным данным, система, внедрённая в центре на основе международных стандартов JCI (Joint Commission International), играет важную роль в повышении качества оказываемых медицинских услуг, обеспечении безопасности пациентов и эффективной организации клинического управления. В статье анализируются этапы создания данных подразделений, их функциональные обязанности и практические результаты, а также представлены рекомендации для других медицинских учреждений.

ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА БЕМОР ХАВФСИЗЛИГИ ВА СИФАТ НАЗОРАТИ БЎЛИМЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЖРИБАСИ: БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ АСОСИДА

Атажанова Ю.Ю.¹

Умаров Б.Я.²,

Салахитдинов Ш.Н.³

¹Болалар Миллий Тиббиёт Маркази, “Бемор хавфсизлиги ва сифат назорати” мутахассиси, олий тоифали хамшира

²Болалар Миллий Тиббиёт Маркази директори, тиббиёт фанлари доктори DSc, PhD

³Болалар Миллий Тиббиёт Маркази даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси интервенцион кардиологлар ассоциацияси раис ўринбосари, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги интервенцион кардиология бўйича консультанти, тиббиёт фанлари номзоди, доцент, PhD
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17994338>



ARTICLE INFO

Received: 15th December 2025

Accepted: 19th December 2025

Online: 20th December 2025

KEYWORDS

Халқаро аккредитация,
бемор хавфсизлиги,
аккредитация
стандартлари, соғлиқни
сақлаш муассасаларида
мониторинг, бемор
хавфсизлиги сиёсати,
сифатли тиббий хизмат
кўрсатиш, клиник
хавфсизлик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Болалар Миллий Тиббиёт Маркази мисолида халқаро аккредитация талабларига мувофиқ бемор хавфсизлиги ва тиббий хизмат сифати устидан назоратни таъминловчи махсус бўлимларни ташкил этиш тажрибаси ёритилган. Маълумотларга кўра, марказда JCI (Joint Commission International) халқаро стандартлари асосида ташкил этилган тизим беморларга кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда клиник бошқарувни самарали йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мақолада мазкур бўлимларнинг ташкил этилиш босқичлари, функционал вазифалари ва амалдаги натижалари таҳлил қилинади ҳамда бошқа тиббиёт муассасалари учун тавсиялар келтирилади.

2020 йил октябрь ойида Болалар миллий тиббиёт маркази муваффақиятли очилганидан сўнг, KOFIN (Корея Халқаро соғлиқни сақлаш фонди) Ўзбекистон Республикасида Болалар Миллий тиббиёт марказини бошқариш салоҳиятини мустақамлаш мақсадида KOFIN (Корея Халқаро соғлиқни сақлаш фонди) ва Болалар миллий тиббиёт маркази ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзолади. Бу меморандумнинг асосий мақсади — болалар миллий тиббиёт маркази бошқаруви салоҳиятини ошириш, сифат ва бемор хавфсизлигини такомиллаштиришдан иборат.

2024 йил март ойида Болалар Миллий Тиббиёт Маркази учун муҳим тарихий воқеа бўлиб берди — марказ Joint Commission International (JCI) халқаро аккредитациясидан муваффақиятли ўтиб, ўз фаолиятини жаҳон стандартлари даражасида амалга ошираётганини тасдиқловчи сертификатга эга бўлди.

JCI — бу тиббий муассасаларда бемор хавфсизлиги ва хизмат сифати бўйича халқаро тан олинган энг нуфузли ташкилотлардан бири бўлиб, унинг аккредитацияси бутун дунё бўйлаб эътироф этилади. Аккредитацияни олиш учун тиббиёт муассасаси 1200 дан ортиқ халқаро стандартлар бўйича баҳоланади.

Болалар Миллий Тиббиёт Марказининг мазкур талабларга тўлиқ жавоб бергани — марказда амалга оширилаётган тиббий хизматлар, бошқарув, хавфсизлик, кадрлар тайёргарлиги ва беморларга бўлган муносабат юқори даражада эканини кўрсатади.

Муҳим ютуқ ва келажакка масъулият



Бу ютуқ марказ жамоасининг ҳамжиҳатликдаги меҳнати, доимий равишда сифатни яхшилашга бўлган интилиш ва тиббиётда халқаро тажрибани татбиқ этишга бўлган ёндашувининг самарасидир.

— *“JCI аккредитацияси нафақат ютуқ, балки катта масъулият ҳамдир. Бу биздан ҳар куни юқори стандартларга мос равишда иш олиб боришни, беморлар хавфсизлиги ва қониқлигини доимий равишда таъминлашни талаб қилади,”* — дейди марказ раҳбарияти.

Беморларга инсонпарвар ёндашув — марказ миссиясида

Марказ ўз фаолиятида беморларга инсонпарвар ва индивидуал ёндашувни устувор деб билади. JCI аккредитацияси айнан мана шу — бемор марказли хизмат тизимини ривожлантиришга қаратилган вазифаларни янада самарали амалга оширишга туртки беради.

Бугунги кунда Болалар Миллий Тиббиёт Маркази нафақат мамлакатимизда, балки минтақадаги энг етакчи болалар тиббий муассасаларидан бири сифатида фаолият юритмоқда. Халқаро эътироф эса бу мақомни янада мустаҳкамлайди.

JCI аккредитациясидан сўнг янги босқич: Болалар Миллий Тиббиёт Марказида Бемор хавфсизлиги ва сифат назорати бўлими ташкил этилди.

Бўлимнинг асосий мақсад ва вазифалари

Янги ташкил этилган бўлимнинг асосий вазифаси — марказдаги барча тиббий ва ташкилий жараёнларда бемор хавфсизлигини таъминлаш, хатолар ва хавфли вазиятларни олдиндан аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни олдини олиш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Бундан ташқари, бўлим:

- Тиббий хизматлар сифатини доимий равишда мониторинг қилиб боради
- JCI стандартларига мувофиқ ички аудитлар ва хавф таҳлилини амалга оширади
- Барча бўлимлар билан ҳамкорликда сифатни яхшилаш бўйича лойиҳаларни юритади
- Ходимлар ўртасида бемор хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга қаратилган тренинглар ва ўқувларни ташкил этади

Тиббиётда хавфсизлик — устувор йўналиш

Бемор хавфсизлиги бугунги кунда замонавий тиббиётнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. JCI аккредитацияси доирасида ушбу масалага катта эътибор қаратилган бўлиб, аккредитациядан кейинги даврда уни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун махсус бўлим ташкил этилиши — марказ раҳбариятининг узоқни кўзлаб қабул қилган стратегик қароридир.

— *“Бизнинг мақсадимиз — ҳар бир бемор учун хавфсиз, сифатли ва инсонпарвар тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлаш. Бу фақатгина тиббий жараён эмас, балки бутун ташкилот маданиятига айланиши керак,”* — дейди марказ раҳбарияти.

Халқаро эътироф – маҳаллий амалиётда ифода топмоқда

Бугунги кунда Болалар Миллий Тиббиёт Маркази нафақат илғор тиббий технологиялар ва мутахассисларига, балки хавфсиз ва сифатли тиббий хизмат



кўрсатиш бўйича жаҳон стандартларига жавоб берадиган ички назорат ва баҳолаш тизимига ҳам эга.

Бемор хавфсизлиги — тиббий хизмат сифатининг ўзаги

Бемор хавфсизлиги — бу ҳар қандай тиббий муассасанинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, беморларга зарар етказмасдан сифатли, хавфсиз ва самарали тиббий хизмат кўрсатишни англатади. Joint Commission International (JCI) томонидан ишлаб чиқилган бемор хавфсизлигининг 6-асосий қоидаси бутун дунёдаги илғор тиббий муассасаларда амал қилинади ва Болалар Миллий Тиббиёт Маркази ҳам ушбу стандартларни ўз фаолиятига татбиқ этган.

Бемор хавфсизлигининг 6 асосий қоидаси:

1. Бемор шахсини аниқлаш

Ҳар бир тиббий муолажа, дори воситаси ёки ташхис қўйишдан олдин беморнинг шахсини камида иккита идентификатор — Ф.И.Ш. ва туғилган сана орқали аниқлаш талаб этилади. Бу нотўғри беморга муолажа ўтказиш хавфини бартараф этади.

2. Самарали алоқа (коммуникация)ни таъминлаш

Тиббий ходимлар ўртасидаги тўғри ва ўз вақтидаги маълумот алмашинуви, хусусан, оғзаки буюртмалар ва ёзма кўрсатмаларни аниқ бериш ва қабул қилиш, хатоларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

3. Юқори хавфли дори воситаларидан хавфсиз фойдаланиш

Анестетиклар, инсулин, антикоагулянтлар каби юқори хавфли дори воситаларини сақлаш, дозалаш ва қўллашда қатъий тартиб ва назорат талаб этилади. Барча дори воситалари этикеткалангани ва саналарини аниқлиги таъминланиши шарт.

4. Хирургик амалиётларда тўғри жойда, тўғри беморда ва тўғри амалиётни таъминлаш

Хирургик амалиётлар олдидан “Time-out” деб аталувчи текширув босқичи ўтказилади. Унда жамоа бемор шахси, амалиёт тури ва жойини яна бир бор тасдиқлайди. Бу нотўғри амалиёт хавфини кескин камайтиради.

5. Тиббий муассасаларда инфекцияларни олдини олиш

Қўл гигиенаси, асбоб-ускуналарни тўғри дезинфекция қилиш, изоляция қоидаларига риоя қилиш орқали нозосомиал (касалхонада юқадиган) инфекциялар тарқалишининг олди олинади. Барча ходимлар қўл гигиенаси бўйича тренингдан ўтиши лозим.

6. Бемор ва ходимларни йиқилиш хавфини камайтириш

Беморларнинг, айниқса болалар ва ҳаракати чекланганлар учун хавфсиз муҳит яратиш, поллар қуруқлиги, хавфсиз тўсиқ воситалардан фойдаланиш, тушиб кетиш ҳолатларини баҳолаш ва назорат қилиш керак. Ходимлар ҳам иш муҳитида хавфсиз ҳаракатланиши учун ўқитилади.

Бемор хавфсизлиги ва сифат назорати бўлимининг олиб бораётган ишлари:

Бемор шахсини аниқлаш бўйича амалга оширилган ишлар



Болалар Миллий Тиббиёт Марказида бемор хавфсизлигининг устувор йўналишларидан бири сифатида — бемор шахсини аниқлаш тизими тўлиқ жорий этилган. Бу жараёнда JCI халқаро стандартларига мувофиқ равишда қатор амалий ишлар бажарилди ва доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Жорий қилинган чора-тадбирлар:

- Бемор идентификацияси учун махсус қўл учун браслетлар жорий этилди. Ҳар бир бемор қабул қилинган вақтда, унга тўлиқ маълумотлар (Ф.И.Ш., туғилган сана, шахсий идентификация рақами) акс эттирилган махсус браслет тақилади.

- Иккита идентификатор талабига қатъий риоя этиш.

Барча тиббий мутахассислар, жумладан, шифокорлар, ҳамширалар ва лаборатория ходимлари, ҳар бир муолажа ёки дори қўллашдан олдин бемор шахсини камида иккита манба орқали аниқлашни ўз амалиётига жорий этган.

- Ходимлар учун мунтазам тренинглар ташкил этилди.

"Patient identification" мавзусида ҳар чоракда ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Уларда хатоларга олиб келувчи омиллар ва уларнинг олдини олиш йўллари муҳокама қилинади.

- Идентификация жараёни устидан назорат кучайтирилди.

Ҳар бир бўлимда масъул шахслар томонидан беморларни аниқлаш амалиёти мониторинг қилиниб, камчиликлар аниқланган ҳолда жойида бартараф этилмоқда.

- Амалий симуляцион машғулотлар ўтказилди.

Амалиётда учраши мумкин бўлган нотўғри идентификация ҳолатлари асосида ходимлар билан амалий машғулотлар ташкил этилди. Бу ҳолатларга тайёрлик даражасини оширишга ёрдам берди.

Натижалар:

✓ Идентификация хатолари сони минимум даражага туширилди.

✓ Беморлар ва ота-оналар томонидан хизматга бўлган ишонч ошди.

✓ Ходимлар ўртасида жавобгарлик ҳисси ва хавфсизлик маданияти шаклланди.

Самарали алоқа (коммуникация)ни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар.

Болалар Миллий Тиббиёт Марказида бемор хавфсизлигини таъминлашда самарали алоқа муҳим омил саналади. Ҳар бир тиббий ходим ўртасидаги тўғри ва ўз вақтидаги маълумот алмашинуви хизмат сифати ва хавфсизлик даражасини оширишга ёрдам беради. Шу боис, марказда коммуникация жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар жорий этилди.

Жорий қилинган асосий чоралар:

- Стандартлаштирилган коммуникация протоколлари ишлаб чиқилди ва барча бўлимларда жорий этилди.

Хусусан, шифокорлар ва ҳамширалар ўртасида оғзаки ва ёзма маълумотларни аниқ ва тўлиқ етказиш учун "SBAR" (Situation-Background-Assessment-Recommendation) усули қабул қилинди.



- Ҳар кунги навбатчи шифокорлар ўртасида ўтказиладиган шифокорлар брифинглари ташкил этилди. Бу брифингларда беморларнинг ҳолати, даволаш режалари ва эҳтиёжлари атрофлича муҳокама қилинади.

- Маълумотларни аниқ ва тўлиқ қайд этиш учун электрон тиббий ҳужжатлаш тизими яратилди ва кенг қўлланила бошланди. Барча тиббий ходимлар ўз вазифаларини бажаришда мазкур тизим орқали бир-бири билан тез ва аниқ алоқа ўрнатади.

- Коммуникация бўйича мунтазам ўқув ва тренинглар ўтказилди. Ходимларга ёзма ва оғзаки коммуникацияда учраши мумкин бўлган хатолар, уларнинг оқибатлари ва олдини олиш усуллари ҳақида маълумот берилди.

- Мулоқотдаги хатоларни камайтириш учун аниқ ва тушунарли тиббий буйруқлар бериш амалиёти жорий этилди.

Натижалар:

- Тиббий ходимлар ўртасидаги ахборот алмашинуви сезиларли даражада яхшиланди.

- Беморларга кўрсатилган хизмат сифатининг ошиши ва хатоларнинг камайиши кузатилди.

- Ходимлар ўртасида ишонч ва жамоавий ишлаш маданияти мустаҳкамланди.

Юқори хавfli дори воситаларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишлар.

Болалар Миллий Тиббиёт Марказида юқори хавfli дори воситаларидан хавфсиз фойдаланиш бемор хавфсизлигини таъминлашда муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Юқори хавfli дори воситалари, масалан, анестетиклар, инсулин, антикоагулянтлар каби дорилар нотўғри қўлланилганда катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис, марказда ушбу дориларни назорат қилиш ва хавфсиз ишлатиш учун қатор чора-тадбирлар жорий этилди.

Жорий қилинган чоралар:

- Юқори хавfli дори воситалари рўйхати тузилди ва барча ходимларга етказилди.

Ушбу рўйхатда марказда қўлланиладиган барча юқори хавfli дорилар қайд этилган.

- Дори воситаларини сақлаш учун махсус шарт-шароитлар яратилди. Юқори хавfli дорилар алоҳида белгиланган, қулфланган жойларда сақланади ва уларга фақат малакали ходимлар кириши мумкин.

- Дозалаш ва қўллаш жараёнида қатъий тартиб ўрнатилди. Дори воситаларини беришда аниқ дозалаш, қайта текшириш ва икки ходим томонидан тасдиқлаш амалиёти жорий этилди.

- Барча юқори хавfli дори воситаларига аниқ стикерлар тасдиқланди. Этикеткаларда дори номлари, дозалари ва қўллаш бўйича муҳим кўрсатмалар акс эттирилган.

- Ходимлар учун махсус ўқувлар ва тренинглар ташкил этилди. Юқори хавfli дорилар билан ишлаш қоидалари, хатоларнинг оқибатлари ва хавфсизлик чоралари бўйича доимий таълим олиб борилади.



- Ҳодисаларни ва хатоларни қайд этиш ва таҳлил қилиш тизими йўлга қўйилди.

Юқори хавфли дори воситалари билан боғлиқ ҳар қандай хатолар ёки ҳодисалар тезда қайд этилиб, уларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилади.

Натижалар:

- Юқори хавфли дори воситалари билан боғлиқ хатолар сезиларли даражада камайди.

- Ходимларнинг дори воситаларини хавфсиз қўллаш маданияти шаклланди.

- Беморларга тиббий хизматнинг хавфсизлиги ва сифати ошди.

Хирургик амалиётларда тўғри жойда, тўғри беморда ва тўғри амалиётни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар

Болалар Миллий Тиббиёт Марказида бемор хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим қисми сифатида хирургик амалиётларда тўғри жойда, тўғри беморда ва тўғри амалиётни амалга ошириш жараёни қатъий назорат остида бўлади. Бу ишни самарали ташкил этиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар жорий этилди.

Жорий қилинган асосий чоралар:

- “Time-out” (танаффус) процедурасининг жорий қилиниши

Ҳар бир хирургик амалиёт олдидан операция жамоаси томонидан беморнинг шахсини, амалиёт турини ва операция жойини тасдиқлаш учун “Time-out” жараёни ўтказилади. Бу босқич нотўғри операция ёки нотўғри жойда амалиёт ўтказиш хавфини сезиларли даражада камайтиради.

- Операцияни белгилаш тизими

Ҳар бир беморда операция жойи махсус маркер ёки бошқа визуал белгилар билан аниқланади, бу нотўғри жойда кесишдан сақлайди.

- Ходимлар учун махсус тренинглар

Операция жараёнида хавфсизлик чоралари, “Time-out” процедураси ва аниқликни таъминлаш бўйича мунтазам таълим ва тренинглар ўтказилади.

- Операция жараёнини расмийлаштириш ва хужжатлаш

Барча операциялар учун аниқ протоколлар ва текширувлар амалга оширилади, шу жумладан операция олдидан ва операциядан кейинги текширувлар.

- Мултидисциплинар жамоа ҳамкорлиги

Хирурглар, анестезиологлар, ҳамширалар ва бошқа тиббий ходимлар ўртасида яхши ҳамкорлик йўлга қўйилди, бу операция хавфсизлиги ва муваффақиятини оширади.

Натижалар:

- Хирургик хатолар ва нотўғри амалиётлар сони сезиларли даражада камайди.

- Бемор хавфсизлиги даражаси ошди.

- Операция жамоасининг бирдамлиги ва масъулияти кучайди.

Тиббий муассасаларда инфекцияларни олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар

Болалар Миллий Тиббиёт Марказида бемор хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири — нозосомиял (касалхонада юқадиган) инфекциялар



тарқалишининг олдини олишдир. Ушбу вазифани самарали бажариш учун марказда бир қатор мукаммал чора-тадбирлар жорий этилди ва улар доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Жорий қилинган асосий чоралар:

- Қўл гигиенаси бўйича қатъий қоидалар ва тренинглар

Барча тиббий ходимлар учун қўл ювиш ва антисептик воситалардан фойдаланиш бўйича мунтазам ўқувлар ва амалиётлар ташкил этилди. Қўл гигиенаси маданиятини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади.

- Асбоб-ускуналарни тўғри дезинфекция қилиш ва стерилизация қилиш

Барча тиббий асбоб ва ускуналар дезинфекция ва стерилизациянинг замонавий талабларига мувофиқ ишлов берилмоқда, бу инфекция тарқалиш хавфини сезиларли даражада камайтиради.

- Изоляция қоидаларига қатъий риоя қилиш

Инфекция юқтирган беморлар махсус изоляцияланган хоналарга жойлаштирилади ва улар билан ишловчи ходимлар махсус муҳофаза воситалари билан таъминланади.

- Муҳитни санитариялаштириш ва ҳимоялаш чоралари

Марказнинг барча бўлимларида санитария қоидаларига қатъий амал қилиш, поллар, ускуналар ва умумий муҳитни доимий тозалаш ва дезинфекция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

- Нозосомиал инфекциялар мониторинги ва тезкор ҳисоботи

Инфекция ҳолатлари доимий равишда мониторинг қилинади, ҳар қандай ҳолат тезда аниқланиб, тегишли чоралар кўрилади.

Натижалар:

- Нозокомиал инфекциялар сони сезиларли даражада камайди.

- Ходимлар ва беморлар учун хавфсиз муҳит яратилди.

- Инфекцияларнинг тарқалиш хавфи камайтгани туфайли, беморлар сифатли ва хавфсиз тиббий хизматга эга бўлмоқда.

Бемор ва ходимлар йиқилиш хавфини камайтириш бўйича амалга оширилган ишлар

Болалар Миллий Тиббиёт Марказида беморлар ва тиббий ходимлар учун хавфсиз муҳит яратишнинг устувор вазифаларидан бири — йиқилиш (тушиб кетиш) хавфини камайтиришдир. Айниқса, болалар, ҳаркатланиш имконияти чекланган беморлар ва кекса ёшдагилар учун йиқилиш эҳтимоли юқори бўлганлиги туфайли, мазкур соҳада қатъий чора-тадбирлар қўлланилмоқда.

Жорий қилинган чоралар:

- Йиқилиш хавфини баҳолаш тизимини жорий этиш

Ҳар бир беморда йиқилиш хавфи илмий асосда баҳоланади ва бу натижалар тиббий ходимларга тезкор ва аниқ чора кўриш имконини беради.

- Хавфсиз муҳитни таъминлаш

Анамнезида йиқилишлар кўп бўлган бемор болаларга ва седатив, психотроп дори воситаларидан фойдаланадиган беморларни махсус қизил рангли индикатор билан алоҳидаланиб кўйилди. Беморхонадаги кравотлар тўсиқлари доимо



кўтарилган холда туриши таъминланди. Поллар доимий равишда куруқ ва сирпанчиқ бўлмаслиги таъминланмоқда.

- Ходимлар учун йиқилишларни олдини олиш бўйича ўқувлар

Тиббий ходимларга беморларни қандай тўғри кўтариш ва кўчириш, хавфли вазиятларни аниқлаш ва олдини олиш усуллари бўйича мунтазам тренинглар ўтказилади.

- Тезкор ёрдам ва мониторинг

Йиқилиш ҳолатлари тезкор равишда қайд этилади, таҳлил қилинади ва қайд этиш тизими такомиллаштирилади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун муваффақиятли чоралар белгиланади.

- Бемор ва ота-оналар билан мулоқот

Йиқилиш хавфи ва хавфсизлик чоралари ҳақида беморлар ва уларнинг оила аъзоларига ҳам тушунтириш ишлари олиб борилади.

Натижалар:

- Беморлар ва ходимлар ўртасида йиқилиш ҳолатлари сезиларли даражада камайди.

- Ҳавфсиз муҳит ва ишончли тиббий хизмат яратилди.

- Ходимлар ва беморлар ўртасида хавфсизлик маданияти мустаҳкамланди.

Ушбу чоралар натижасида тиббий хизмат сифати ва хавфсизлиги сезиларли даражада ошди, беморларга нисбатан ишонч мустаҳкамланди, тиббий ходимларнинг касбий малакалари ва масъулият ҳисси кучайди. Шу тариқа, марказ замонавий тиббиёт стандартларига мос келадиган хавфсиз ва самарали тиббий хизмат кўрсатишда етакчи муассасага айланмоқда.

Бемор хавфсизлиги — бу нафақат махсус чора-тадбирлар тизими, балки бутун ташкилотнинг маданияти ва муваффақиятининг муҳим кўрсаткичи экани яна бир бор тасдиқланди.

References:

1. Vuohijoki A., Ristolainen L., Leppilahti J., Kivivuori S.-M., Hurri H. *Impact of joint commission international accreditation on occupational health and patient safety: A systematic review.* PLoS One. 2025;20(6):e0325894.
— Жаҳон соғлиқни сақлаш тизимида JCI аккредитацияси таъсири бўйича систематик таҳлил. [PubMed](#)
2. Devkaran S., O'Farrell P.N. *The impact of hospital accreditation on quality measures: an interrupted time series analysis.* BMC Health Services Research. 2015;15:137.
— Тиббий муассасалар аккредитациясининг сифат кўрсаткичларига таъсири таҳлили. [SpringerLink](#)
3. Alkhenizan A., Shaw C. *Impact of accreditation on the quality of healthcare services: a systematic review of the literature.* Ann Saudi Med. 2011;31(4):407–416.
— Аккредитациянинг соғлиқни сақлаш сифатида таъсири бўйича адабиётлар шарҳи. [PubMed](#)
4. Nursing perception towards the impact of JCI accreditation on the quality of care in a university hospital in Palestine: a cross-sectional study. [PubMed](#).



— Сифат ва бемор хавфсизлигига JCI аккредитациясининг таъсири ҳақида ҳамширалар фикри. [PubMed](#)

5. Nurses' Perceptions of Joint Commission International Accreditation on Patient Safety in Tertiary Care in South Korea: A Pilot Study. ScienceDirect.

— ЖСШ мамлакатда аккредитациянинг бемор хавфсизлигига таъсири бўйича пилот тадқиқот. [ScienceDirect](#)

6. Joint Commission International (JCI) Official Standards and Accreditation Information. Joint Commission International Website.

— JCI стандартлари, сифат ва хавфсизликни таъминлаш йўналишлари бўйича асосий меъёрий маълумотлар. [Joint Commission International](#)

7. JCI Publishes 8th Edition of International Accreditation Standards for Hospitals and Academic Medical Centers. Joint Commission International.

— JCI стандартларининг 8-чи наشري ва уларнинг сифат, хавфсизлик талқини. [Joint Commission International](#)

8. JCI (стандарты). Википедия (русча).

— JCI стандартлари тарихи, моҳияти ва умумий шарҳи. [Википедия](#)

9. The impact of hospital accreditation on quality measures: Living systematic evidence. BMJ Open; Devkaran S., O'Farrell P.N.

— Аккредитация жараёнининг сифат кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш тадқиқотлари. [PubMed](#)

10. Brubakk K., Vist G.E., Bukholm G., Barach P., Tjomsland O. A systematic review of hospital accreditation: the challenges of measuring complex intervention effects. BMC Health Serv Res.

(JCI ва бошқа аккредитация тизимларининг комплекс таъсири таҳлили.) [PubMed](#)

11. O'Leary D.S. Accreditation's role in reducing medical errors. BMJ.

(Аккредитациянинг тиббий хатоларни камайтишидаги роли.) [PubMed](#)